

**Биологик ресурслар** // Бирлашган миллатлар ташкилотининг иқлим ўзгариши рамкавий конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий ахбороти. С. 24-25.

#### **1.2.4. Биологик ресурслар**

Биологик ресурслар табиий ўсимлик ва ҳайвон ресурсларидан иборатдир. Ўзбекистон ҳудуди флора ва фаунанинг катта тур (27 000 дан ортиқ тур) ва сон таркиби билан характерланади.

**Ўсимликлар олами.** Табиий флора 115 оилага тўғри келадиган 4800 тур юксак ўсимликлардан иборатдир. Мураккаб — гулдошлар (570 тур), дуккаклилар (440 га яқин тур), бошоқлилар (260 га яқин тур) ва бошқа оилалар энг кўп тарқалгандир. Республика рельефининг хусусиятлари, иқлим ва тупроқ шароитларининг хилма — хиллиги унинг ҳудуди ўсимлик қопламининг мураккаб тузилишини ҳосил қилади.

Текисликларда чўл ўсимликлари — саксовул, қум акацияси, шўра, қандим, шувоқ, қўм қўнғирбоши кенг тарқалган. Чўлларнинг биологик маҳсулдорлиги анча паст ва чорвачиликнинг ривожланишини чекланган.

Текислик қисмида, дарё қирғоқларида намсевар дарахтлар, буталар ва ўтлар: туранга, жийда, тол, қизилмия, қамиш, кендир ва бошқалардан иборат тўқайлар ёки қайир ўрмонлари учрайди.

Республикада ёввойи ҳолда ўсадиган ва етиштириладиган 500 га яқин ўсимлик турларини доривор, озуқа ва техник хом-ашё сифатида ишлатиш мумкин. Аммо, 25 дан ортиқ бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ва 20 тур етиштириладиган ўсимликлардан фойдаланилади ва улар ичида наъматак, равоч, далачой, тоғ райҳон, зира, қора қут, мармарак, қизилмия бордир.

Асосий ўрмон ҳосил қилувчи турлар, чўлларда, саксовул, қандим, черкез, дарё қайирлари ва дельталарида — туранга, жийда, тоғларда — дарахтсимон арча, писта, бодом ва бошқалардир. Ўрмонлар катта қимматга эга ва ҳимоя, санитар — гигиеник, соғломлаштирувчи вазифаларни бажаради. Улар давлат мулки ҳисобланаб, муҳофаза қилинади.

**Ҳайвонот дунёси.** Ёввойи ҳайвонларнинг 15000 туридан, умуртқалилар 5 синфдан иборат бўлиб, у ўз ичига 664 турни олади, шу жумладан, қушлар — 424 тур, сут эмизувчилар — 97, балиқлар — 83, судралиб юрувчилар — 59, сувда ва қуруқда яшовчилар — 3 тур. Республика 53 тур ва кенжа турдаги эндемик ҳайвон турларининг яшаш райони ҳисобланади.

Чўл минтақасининг фаунаси хилма-хилдир. Судралиб юрувчиларга калтакесаклар (юмалоқбош, эчкиэмар, гекконлар) ва илонлар (қора илон, кўлвор илон, Ўрта Осиё капча илони, эфа ва қалқонтумшуқ илон) киради. Йирик сут эмизувчилардан жайрон ва сайғоқлар алоҳида қимматга эгадир. Текислик ва тоғ олдиларида чиябўри, тўнғиз, асалхўр, бўри, тулки, жайра, бўрсик, типратикан яшайди. Қушларнинг тур таркиби каттадир — бургут, зоғча, лочинлар мавжуд. Тоғларда ва баланд тоғ яйловларида Ўрта Осиёнинг тоғли ҳудудлари учун характерли бўлган турлар — сибир тоғ қўйи, қор қоплони, улор ва бошқа турлар учрайди.